

ТОЛЕРАНТЛИК – ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ ФАНЛАРНИНГ
МУҲИМ ФЕНОМЕНИ СИФАТИДАТОЛЕРАНТНОСТЬ – КАК ВАЖНЫЙ ФЕНОМЕН
СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ НАУК

TOLERANCE – ESSENTIAL PHENOMENON OF SOCIAL-POLITICAL SUBJECTS

Агабаев Шараф Курбанбаевич
ЎДЖУ муст. тадқ.

Аннотация. Мазкур илмий мақолада толерантлик феноменининг илмий таҳлили берилган бўлиб, унинг ижтимоий, сиёсий ва маданий жиҳатлари ёритиб берилган. Толерантлик инсоният цивилизацияси тараққиёти давомида шаклланиб, тобора ривожланиб борди. Шунингдек, бугунги кунда толерантлик омилининг ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқлари каби прогрессив тамойилларни рўёбга чиқаришидаги ўрни изоҳлаб берилган.

Таянч сўзлар: толерантлик, диний қарашлар, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, Марказий Осиё, ижтимоий муносабатлар, ҳаракатлар стратегияси.

Аннотация. В данной научной статье представлен научный анализ феномена толерантности и её социальные, политические и культурные аспекты. Толерантность формировалась и развивалась в ходе человеческой цивилизации. Также, раскрыто роль толерантности в реализации прогрессивных общественных идей, таких как строительство правового государства, гражданского общества и прав человека.

Ключевые слова: толерантность, религиозные взгляды, социально-политическая стабильность, Центральная Азия, социальные отношения, стратегия действий.

Annotation. This scientific article presents a scientific analysis of the phenomenon of tolerance and its social, political and cultural aspects. Tolerance was formed and developed in the course of human civilization. Also, the role of tolerance in the implementation of progressive social ideas, such as the construction of the rule of law, civil society and human rights, is disclosed.

Key words: tolerance, religious beliefs, socio-political stability, Central Asia, social relations, action strategy.

Кириш. Бугунги шиддат билан ўзгариб, янгиланиб бораётган дунёда ўзаро меҳр-оқибат, ишонч ва ҳамдардликка асосланган толерантлик омилининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Толерантлик ҳар бир муайян шахс, унинг фикри, нуқтаи назарини, ҳар қандай бошқа маданият, дунёқарашни, эътиқодни улар қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишга ҳозирликни англатувчи мураккаб феномен ҳисобланади. Шунингдек у бир бирига ўхшамаган инсонларни бирга аҳилликда яшашга интилишидир.

Толерантлик (лотинча *tolerantia* – муроса, чидам, қабул қилиш) – ўзгаларнинг урф-одати, ҳаёт тарзи, қадрият ва дунёқарашига нисбатан бағрикенг муносабатда бўлишни англатувчи фалсафий-сиёсий термин[24]. Ҳозирги дунёда толерантлик ўта муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодийнинг глобаллашуви ва янада мобиллашуви, коммуникацияларнинг тез ривожланиши, интеграция ва ўзаро боғлиқлик, кенг миқёсли миграция ва аҳолининг кўчиб юриши ва бошқа омилар жамиятда толерантлик тамойилининг аҳамиятини янада кучайтирмоқда. Толерантлик тамойили ақидапарастлик ва ягона фикрни мутлоқлаштиришдан воз кечишни англатади ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларни тасдиқлайди. Бу тамойилга кўра, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркиндир ва ҳар ким бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозим.

Асосий қисм. Кўпчилик маданиятларда “толерантлик” тушунчаси “сабрлилик” сўзининг синоними бўлиб келади. Масалан, инглиз тилидаги *tolerantion*, француз тилидаги *tolerance*, немис тилидаги *toleranz* атамалари айнан сабр, тоқат, муроса маъноларини англатади. Тарихий-маданий тараққиёт ва фалсафий фикрнинг ривожига жараёнида “толерантлик”, яъни “сабрлилик”, “хайрихоҳлик”, “муросасозлик” категорияси ҳам айрим ўзгаришларга учраб келди. Бу табиий ҳодиса бўлиб, жамият ижтимоий тараққиёти ўз-ўзидан инсонлар ўртасидаги муносабатлар ва турли ғояларнинг ҳам модификациясига олиб келади.

Шунингдек, рус тилидаги изоҳли луғатларда бу феноменнинг турли маъно шакллари беради, аммо уларда “ўзгалар фикри, эътиқоди, хатти-ҳаракатларига нисбатан сабр-тоқат, бирор нарса ёки бирор кимсага нисбатан хайрихоҳлик, муросачилик”[9] маънолари устуворлик касб этади.

Муносабатлар уйғунлиги авваламбор субъектларнинг ўзаро ҳурмати назарда тутади. “American Heritage Dictionary” луғатида мазкур феноменга “толерантлик – ўзгалар эътиқодлари ва хатти-ҳаракатларини тан олиш қобилияти ёки амалда тан олиш ва ҳурмат қилиш” дея таъриф берилади. Мальталиқ тадқиқотчи Кеннет Уэйн эса ўзининг “Таълим ва толерантлик” номли мақоласида толерантликка ушбу луғатда берилган таъриф ҳам тўлиқ эмаслигини таъкидлайди. Чунки муаллифнинг фикрича: “Толерантлик бу нафақат ўзгалар эътиқоди ва хатти-ҳаракатларини шунчаки тан олиш қобилияти ёки амалда тан олиш ва ҳурмат қилиш, балки, биздан фарқ қилувчи “ўзга” кишиларнинг ўзларини ҳам тан олиш ва ҳурмат қилишдир. “Ўзга”лар алоҳида индивидуум сифатида ҳам, бу “ўзга”лар мансуб бўлган этник гуруҳлар намоёндалари сифатида ҳам тан олинмоғи керак”[6]. Мазкур ҳолат айниқса кўп миллатли давлатлар учун долзарб масаладир.

Шунингдек, толерантлик ўзида фалсафий ва диний омилларни қамраб олиши билан бирга, ижтимоий-сиёсий омилларга ҳам боғлиқдир. Бу жараёнда “сиёсий толерантлик” категорияси алоҳида эътиборга молик. “Сиёсий толерантлик – бу ҳам давлат ичида, ҳам давлатлараро муносабатларни тартибга соладиган, маданиятли муносабатлар зарурлигини англаб етган жамият барча фаол аъзоларининг ўзаро муносабатларига қўйиладиган зарур талабдир»[15].

Толерантлик ижтимоий-сиёсий феномен сифатида антик даврда пайдо бўлган, у дунёни фуқаролик институти ва унга боғлиқ кадриятлар тизимига очиб берган – эркинлик, тенглик, инсонга, унинг шахсига ҳурмат каби кадриятларни мустаҳкамлаган. Қадимги римликлар бу тушунчаларни қонун даражасига кўтардилар, уларнинг расмий доктринаси ва дипломатияси толерантликнинг тўла имтиёзларини эрта ўзлаштирди ва уни фуқаролик халқаро ҳуқуқ доирасида асосий меъёрларидан бирига айлантиришди[17, 176].

Диний таъқибларга қарши туриш зарурати “бағрикенглик” (толерантлик) омилини ўзига хос мазмун билан тўлдирди. Толерантлик энг аввало инсонларни “ўзга” динга мансуб кишилар билан тенг ҳуқуқли, ҳар қандай зулм ва зўравонликдан ҳимоя қилиши лозим эди. Дарҳақиқат, диний бағрикенгликнинг келиб чиқиши Европада диний зиддиятлар даврида, диний ва дунёвий ҳокимиятлар ўртасидаги муносабатлар кўпинча жиддий можаролар билан бирга кечган пайтга тўғри келади. Диний ғояларнинг тарқалиши кўпинча жамиятда мавжуд бўлган ғоялар билан зиддиятга олиб келди.

Дастлаб бағрикенглик муаммоси диний муросасизлик билан боғлиқ бўлиб қолса ҳам, кўп динлар учун бағрикенглик принциплари жуда муҳимдир. Масалан, жамият ҳаётининг барча соҳаларини амалда назорат қилишга интилувчи насронийлик таъсири остида ўрта асрнинг бошларида диний таъқибларга мойиллик пасая бошлади. Насронийликнинг кўпчилик вакиллари диний муросасизликни қоралаганлар. Диний китобларда белгиланган, Худонинг ўзгани ўзингни ўзинг каби севишни амр этган тўртинчи амрни бузмасликка чақирадилар.

Қадимги диний китобларда инсонлар жамиятда яшаши давомида бағрикенгликка даъват этилган. Ҳатто бундан 2.5 минг йил олдин, Ҳиндистонда кенг ёйилган Буддизм ва Жайнизм таълимотларида ҳам бағрикенглик ва муросасозлик тарғиб қилинади. Жйнизмнинг Таттвартхасутр китобида: “Барча тирик мавжудотларни қўллаб-қувватланг, яхшиликдан

хурсанд бўлинг, азоб-уқубатларга раҳм-шафқат қилинг ва хайрихоҳ бўлинг”, дея эътироф этилади[16, 162-163].

Маҳатма Гандининг, зўравонлик билан ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик ғояси, қадимги Ҳиндистоннинг “ахинса” назариясига асосланади, унга кўра зўравонлик янада зўравонликни келтириб чиқаради. М.Ганди саъй-ҳаракатларининг натижалари муваффақият билан кутиб олиниб, ўзида фуқаролик буйинсунмаслик ва зўравонликсиз ҳамкорлик шаклидаги адолатсизликка қарши курашни қамраб олган “сатьяграха” халқ ҳаракатига асос солинди. У пассив исён мисолида одамларнинг ҳамдарадчилигини қозонишга муваффақ бўлди. Ҳаракат оммавий шаклга кирганда, қатағонлар кучсиз эди (қамоқхоналар етарли бўлмайди) ва расмийлар кўпинча ваъдалар беришга мажбур бўлишди - қонунларни бекор қилиш ёки деҳқонларнинг оғир меҳнати учун муносиб ҳақ тўлаш ва ҳоказо. Ганди “адолатга эришишнинг энг тезкор усули бу қарама-қарши томонга нисбатан одилона муносабатда бўлишдир”, деб ҳисоблайди. У бу тамойилни Ҳиндистоннинг Британия ҳукумати билан муносабатларида қўллаган ва у британлардан эмас, балки Британия тизимидан нафратланишни талаб қилган.

Бошқа бир диний-фалсафий таълимот – конфуцийчиликда ҳам бағрикенглик тамойиллари одамларга нисбатан раҳм-шафқат ва муросали муносабатда бўлиш шаклида намоён бўлади. Қадимги хитой файласуфи Мэнцзининг ўз битикларида шундай таъкидлайди: “Ўзингизнинг оқсоқолларингизни ҳурмат қилинг, буни бошқа кекса одамларга ҳам қўлланг. Фарзандларингизни севинг, бу муҳаббатни бегоналарга узатинг, шунда Осмон остини бошқариши осон бўлади. Шунинг учун, улар раҳм-шафқат кўрсатишиганда, бу тўрт денгиз ичидаги барчани ҳимоя қилиши учун етарли. Агар марҳамат кўрсатилмаса, ҳатто хотин ва болаларни ҳимоя қилишининг иложи йўқ»[7].

Олимларнинг фикрича, дунёда толерантлик маданияти шаклланишининг икки босқичини алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин. **Биринчи босқич** – бу қадимги даврдан маърифат (ренесанс) давригача бўлган жуда кенг тарихий даврни ўз ичига қамраб олган. **Иккинчи давр** – маърифат давридан бошланган бўлиб, либерал тафаккур генезисининг турли хил кўринишларида, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари концепцияси, конституционализмнинг ривожланиши, плюралистик демократия тамойиллари ва тинчлик, толерантлик ва мильтикультурализм маданиятлари билан боғлиқ замонавий моделлар ёйилиши билан изоҳланади.

Иккинчи босқичнинг ўзига хос аҳамиятига қарамай, моҳиятан толерантлик маданияти шаклланиши жараёнини янада чуқурроқ ва тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилиш лозим.

Толерантлик маданиятининг маънавий ва ғоявий асослари энг аввало қадимги қадимги юнон ва рим мутафаккирларининг ижодлари билан боғлиқдир. Масалан, антик давр муаллифлари орасида бағрикенглик ғояларини замонавий маънода шакллантиришга катта таъсир кўрсатган ҳолда, биз шубҳасиз дунёнинг барча ёмон ниятлари жаҳолатдан келиб чиқади деб ишонган Демокритни (мил.авв. 460-370) шубҳасиз айтишимиз керак. Натижада ёмонликни енгиб ўтиш инсонни бахтли ҳолатга олиб борадиган билимларга эга бўлиши мумкин. Унинг фикрича, билим ҳам худоларнинг қудрати хаёлларини енгишга ва уларнинг момақалдиروқ каби табиий ҳодисаларга бўйсунушига ёрдам бериши керак[23]. Шундай қилиб, Демокрит дунёнинг муқаддас идрокига қарши бўлиб, уни билим ва бағрикенглик билан таққосланадиган яхши кайфият ва эҳтирослардан холи бўлган кайфиятни акс эттиради. Яхшиямки, бу завқ эмас, аксинча бирлик ва ҳамжиҳатлик ҳолатидир.

Толерантлик маданияти шаклланиши ва ривожига катта таъсир кўрсатган яна бир қадимги юнон мутафаккири Аристотелдир. Аристотелнинг “фазилат” категориясини замонавий бағрикенглик талқини билан таққослаш мумкин, масалан, у: “фазилат эгаси уни худди унга яқин одамлар ва бегоналар билан бир хилда ҳаракат қилади”[4], аммо шу билан бирга Аристотел ўзининг кўплаб ўтмишдошлари сингари уни бағрикенглик атамасининг аналогига мавҳум тарзда изоҳлайди ва аниқ мисоллардан қочади.

Қадимги Юнонистонда толерантликка муносабатни умумий жиҳатдан тавсифлаб, қадимги жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли уни идрок этишининг қарама-қарши

хусусиятига ҳам эътибор бермаслик мумкин эмас. Бир томондан, қадимги Юнонистонда индивидуал эркинликнинг аҳамияти ва самарали фаолият кўрсатадиган жамиятни қуриш учун бошқа фуқаронинг эркинлигини ҳурмат қилиш зарурлиги тушунчаси шаклланганлиги кўрамиз[11]. Бошқа томондан, таъкидлаш лозимки, ўша даврдаги Юнонистонда инсоннинг эркинлиги ва кадр-қимматини тушуниш замонавий шакли билан қиёслаш мушкул. Масалан, қадимги Юнонистонда аёллар ҳуқуқларининг рад этилиши, қулдорлик тизими ва турли хил номаданий жараёнлар эса жамиятнинг муросасизлигидан далолат берарди. Шу билан бирга, юнон полислари архаик бўлиб, ўзларининг политеистик диний культларига ўта садоқатли эдилар ва жуда қаттиқ табақаланиш билан ажралиб турдилар.

Функционал жиҳатдан шунга ўхшаш, аммо кенгроқ маънода, қадимги Рим учун ҳам характерли эди. Тадқиқотимиз давомида ушбу даврга мурожаат этиш жуда муҳимдир, чунки “толерантлик” феноменининг келиб чиқиши қадимги латин аъноаларига бориб тақалади. Бу атаманинг муомалага киритилиши Рим файласуфи Цицеронга тегишли бўлиб, у мазкур категорияни, бошқалардан фарқли ўлароқ, муросачанлик, чидам ва бағрикенглик шаклида эътироф этади. Унинг машҳур сўзлари: «*non nobis solum nati sumus ortusque nostri partem patria vindicat, partem amici*» (биз нафақат ўзимиз учун, балки бизда ҳаққи бўлган дўстларимиз ва мамлакатимиз учун ҳам дунёга келганмиз)[8] асосида ҳам инсонларнинг бири-бирига дахлдорлиги, ижтимоийлашуви ва толерантлиги бўйича хулосалар чиқариш мумкин.

Реформация даври (VI-VIII асрлар) Европада ўрта асрлар дунёқарашининг асосий принциплари ўзгариши билан тавсифланади. Бу ҳаётнинг барча соҳаларига, шу жумладан, ахлоқий ва ижтимоий масалаларга таъсир қилди. Бу даврнинг таниқли олим-файласуфлари Ж. Локк, Ф. Волтер, И. Кант ва бошқалар диний муросасизлик ва ақидапарастликни кескин қоралаганлар.

Толерантлик омилини диний бағрикенглик деб билган ғарбнинг дастлабки файласуфларидан бири Ж. Локкдир. У ўзининг “Диний бардошлик тўғрисида хитобида” бағрикенглик муаммоларини ёритиб, толерантликнинг нафақат маънавий, балки иқтисодий мақсадга мувофиқлигини ҳам асослаб беради. Унинг фикрича, бағрикенглик ўта муросасиз позициялар ўртасидаги мувозанатни топишга имкон берадиган ўзига хос “олтин восита”дир, бағрикенглик бошқаларнинг яхшиликларига нисбатан кишининг ички ниятидир[12].

Машҳур француз файласуфи Ф. Волтер фанатизмнинг доимий танқидчиси ҳисобланади. Ф. Волтер “Бардошлик тўғрисида” (*Traits sur la tolerance*) номли рисолида, бир томондан, муросасизлик барча динларга хосдир, бошқа томондан у дахрийлик билан боғлиқ хавфдан огоҳлантиради дея таърифлайди. Шунингдек, у ҳар қандай дин осонликча ақидапарастликка айланиши мумкинлигини айтиб, фақатгина чуқур диний ва фалсафий билим жамиятни олға илдамлашида ёрдам беришини эътироф этади. Фанатизмнинг ҳар қандай кўринишини қатъиян рад этган Ф. Волтер толерантликни ҳимоя қилади ва уни умуминсоний қадрият ҳамда фазилат сифатида билади.

Унинг фикрича, бағрикенглик: “динлар, халқлар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги тинчлик ва ҳамжиҳатликнинг асосий таркибий қисмидир”. Бағрикенглик зарурлиги ҳақида сўзлаганда, Ф. Волтер: “*Биз ҳамма одамларни биродарларимиз деб ҳисоблашимиз керак. Барча инсонлар бир отанинг фарзандларидир*”[5] дейди. Унинг вафотидан 11 йил ўтгач, 1789 йилда Франция Таъсис ассамблеясида айнан Волтернинг ғояларига асосланган ҳолда “Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари декларацияси”ни қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда инсоннинг фикр ва виждон эркинлиги эътироф қилинди.

Иммануэл Кантнинг фикрича, “фақат битта категориявий императив мавжуд: сиз шундай иш тутингки, унга кўра умумбашарий қонуниятлар янада тараққий этсин”[10].

Ғарб файласуфларининг толерантлик борасидаги илмий ва назарий қарашлари россиялик олимларнинг ҳам диний бағрикенгликка муносабатига сезиларли таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, Ғарбий Европадан ташқари, бағрикенглик муаммоси рус фалсафаси ва этикасида акс этади. Л.Н. Толстой, А. Швайцер, Н.К. Рерич, Ю.М. Лотман, С. Соловев, Н. Лосский, Н. Бердяев ва бошқалар илмий қарашларида фаол равишда миллий ва диний бағрикенглик муаммоси диққат марказида бўлиб келди.

А. Швайцернаинг фикрича, бағрикенглик тенденциялари “камтарлик” тушунчасида акс эттирилган. Унинг “Камтарлик этикаси” номли асарида айнан толерантлик дунёқараши ёритиб берилган бўлиб, ҳаётнинг ўзи ва ҳаётга бўлган эҳтиромни ҳурмат қилишни англатади. Бундай ирода инсоннинг ахлоқий жавобгарлиги ва бурчи юзага келадиган ҳаракатларида намоён бўлади[25].

Н.К. Рерихнинг фикрича, ўзингизда сабр-тоқат ва бағрикенгликни тарбиялашнинг муҳим шартлари жаҳлни тийиш, кўрқув ва худбинликни енгиш ҳамда у ўзига ва ўзига бўлган муҳаббатни ривожлантиради. Н.К. Рерих бағрикенглик ғоясини ўзаро таъсирнинг фаол шакли сифатида илгари сурди, “ҳар бир инсон юрагида бошқалар билан мулоқотга, уларнинг дарду-ғамига шерик бўлишга эҳтиёж бўлади. Шунинг асносида у жамиятда шахс сифатида толерантликни мустаҳкамлайди, ўзаро ҳурмат ва консенсусга эришилади”[16, 146]. Бу эса ўз навбатида, давлат ва жамият ҳаётида ижтимоий барқарорликни сақлаш, фуқаролар ўртасида ўзаро ҳурмат, биродарлик, ҳамжиҳатлик ва ижтимоий капитални мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Агар бу борада юртимиз, Марказий Осиё минтақаси тарихига назар ташласак, диний ва миллий толерантлик ўзига хос тарзда тараққий этиб борганини кузатишимиз мумкин. Қадимдан ўлкамизда диний толерантлик ривожланган. Бу жараён антик даврда ҳам намоён бўлиб, илк ўрта асрларда халқларнинг ўзаро муносабатларида муҳим ўрин эгаллаган. Буюк ипак йўлининг пайдо бўлиши халқаро муносабатлар ривожидида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Унинг тармоқлари нафақат савдо-иқтисодий алоқаларга, шунингдек, маданий мулоқотга ҳам хизмат қилган. Буюк ипак йўли орқали турли динлар, фалсафий қарашлар, маънавий қадриятлар, ёзув ва тасвирий санъат намуналари тарқалган. Мазкур мавзу адабиётларда етарлича таҳлил қилинган[18].

Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Ўзбекистонга турли ҳудудлардан турли динларнинг тарқалишида (буддавийлик, зардуштийлик, монийлик, христиан) жамиятда диний бағрикенгликни табиий зарурат сифатида қўйган. Мазкур динлар маънавият ва илм-фан ривожидида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Қўшни ўлкаларга ёзув (суғд, парфия ёзуви) ва янги мусиқа асбобларининг кириб бориши Ўрта Осиё таъсирида рўй берди. Хитойда VII-VIII асрларда бухоролик, самарқандлик, чочлик мусиқачилар машҳур бўлган[13].

Минтақанинг ўзида толерантликнинг ривожланиши маданиятнинг кўп хиллигида ва диний бағрикенглигида ўз аксини топган. Мисол тариқасида, Сурхондарё воҳасида турли шаклдаги ёзув намуналари аниқланган. Шунингдек, қўҳна Термизда, Фаёзтепа ва Қоратепида Будда ибодатхоналари, Далварзинтепада Будда ибодатхонаси ҳамда қадимги шаҳар теварагида зардуштийлар макбаралари ўрганилган[21, 77-83].

Марказий Осиё қадимий аҳолисининг дунёқараши ва маънавиятининг ривожланиш даражаси турлича санъат намуналарида ифодаланган (хайкалтарошлик, деворий рангтасвирлар, оссурийлар тасвирлари). Улар кўп ҳолларда минтақа халқлари маданиятининг умумийлигидан далолат беради. Қадимги давр ва илк ўрта асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида толерантликка оид талайгина мисоллар келтириш мумкин. Бу борада турли дин ва эътиқодлар тарафдорларининг яшаш жойини танлаш ҳуқуқи чекланмаган. Улар шаҳарлар умумий ҳудудий гузарларида жойлашиб, турли касб-ҳунар соҳалари билан шуғулланиш имкониятига эга эди.

Одамлар ўз диний байрамлари ва маросимларини эркин амалга оширганлар. Зардуштийларнинг оташгоҳлари, буддавийлик, христиан ва яҳудийлик ибодатхоналарининг ёнма-ён қурилиши ман этилмаган. Бошқа эътиқодлар ва ўз маъбудаларига сиғинган кишиларга нисбатан душманлик кайфияти ҳамда ирқий нафрат мавжуд бўлмаган. Шу боис, илк ўрта асрларда Чоч, Фарғона водийси ва Етисув воҳаларида буддавийлик дини ва христианлик таълимоти тарқалади. Суғдийларнинг Буюк ипак йўли бўйлаб Шарқий Туркистон ва Узоқ Шарқ ҳудудларига миграциялари туфайли, Хитойдаги Чанян, Лоян ва Кайфан шаҳарларида оташгоҳлар, яъни олов ибодатхоналари бунёд этилган. Қадимги давр ва илк ўрта асрларда турли эътиқод ва диний қарашлар доимо бир-бирига таъсир қилган ва ўзаро бойиган. Суғдийлар, бактрияликлар, хоразмликлар, чочликлар ва фарғоналиклар ўзга

кабилалар ва элатларга маданий ютуқларни етказишда муҳим ўрин тутган. Халқаро маданий мулоқот дунёқарашнинг янги асосларда ривожланишига замин яратган. Маънавий маданият тараққиёти даражаси бетакрор санъат намуналарида ифодаланган. Санъат обидаларида эзгулик, яратувчанлик ва гўзалликка интилиш ўз аксини топган[22, 12-13].

Минтақамизга Ислом дининг кенг ёйилиши аҳоли орасида маънавий ва ижтимоий муҳитни янада ранг-баранглаштирди. “Ёт динларга эътиқод қилувчи кўплаб жамоаларнинг мавжудлиги, – деб ёзган эди А. Мец, – мусулмонлар салтанатини бутунлай христиан ақидапарастлари таъсирида бўлган Европадан ажратиб туради”[14].

Хулоса. Барча миллатларнинг улуғ алломалари инсонларни ўзаро меҳрибонликка, дўстликка чорлаганлар. Ҳазрати Алишер Навоий одамларни тавозели, яъни меҳрибон бўлишга чақирган. Тавозели киши бошқа миллат вакиллари билан дўст бўла олади. Шунинг учун ҳам Биринчи Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек: “Алишер Навоий бобомиз бўладими, Рудакий, Абай, Махтумқули, каби улуғ зотлар бўладими, уларнинг барчаси ўз ижоди билан нафақат икки дарё оралиғидаги халқларни, балки бутун башарият фарзандларини доимо меҳр-оқибатли, дўст-биродар бўлиб яшашга даъват этгани бежиз эмас, албатта”[3].

Ислом таълимоти диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликка чорловчи, илм ва бунёдкорликка даъват этувчи таълимот эканлигини тарғиб этиш бугунги давр учун ўта муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёв 2017 йил 19 сентябрда БМТнинг 72-сессиясида сўзлаган маърузасида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, “Жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа” сифатида қайд қилиб ўтганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди[2]. Зеро, бугунги кунда ислом ақидапарастлиги ва уни келтириб чиқараётган сабабларни ўрганиш, диний экстремизм ва фундаментализмнинг вайронкор қиёфасини фош этиш барча мамлакатлар ҳукуматлари, зиёлилар, таълим даргоҳлари олдидаги муқаддас бурчдир. Бу вазифани бажаришда, диний бағрикенглик ғояларини ёш авлод онгига сингдиришда тарихий хотира, аждодларимиз қолдирган маънавий мерос муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешик устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. 2017 йил 7 февраль. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёв 2017 йил 19 сентябрда БМТнинг 72-сессиясида сўзлаган маърузаси. www.uza.uz
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 9-10-б.
4. Аристотель. Никомахова этика. Философы Греции. – Москва: ЗАО «Издательство «ЭКСМО-Пресс», 1997.
5. Вольтер Ф. Собр. соч. в 3 т. Т.1. – М.: Сигма-Пресс, 1998. С. 26.
6. Высшее образование в Европе. Т. XXI, № 2, 1997. С.11-12.
7. Восточная литература. Средневековые исторические источники востока и запада. http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/China/I/Drvnikit_fil/frametext5.htm
8. Dyck Andrew R. A Commentary on Cicero, De Officiis. — Ann Arbor, MI: University of Michigan Press, 1996.
9. Иностранные слова и выражения. – М., 1998. С.14.
10. Кант И. К вечному миру. – М.: Московский рабочий, 1989. 45 с.
11. Куприянова Е.А. Проблема религиозной толерантности в античной Греции. Вестник МГТУ, том 13, №2, 2010. – С 412-415.
12. Локк Дж. Письмо о веротерпимости. // Избранные философские произведения: в 2-х томах. Т.2. М., 1960.
13. Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Т.: Академия, 2004. 32-б.
14. Мец А. Мусульманский Ренессанс // Перевод с немецкого, предисловие и указатель Д.Е. Бертельса. – М.: Изд-во ВиМ, 1996. С.266.
15. Политическая энциклопедия. – М., 1999. С.42.
16. Рерих Н.К. Мудрость в сказках и наставлениях // Серия «Жемчу-жины России». – М.: Амрита-Русь, 2009. С.146.

17. Романенко Л.М. Лики российской толерантности (Размышления участницы симпозиума). // Полис. 2002. №6. с. 176.
18. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. – Т.: Шарқ, 2000.
19. Сагдуллаев А., Ртвеладзе Э. В стране золотого огня. – Т.: Узбекистан, 1983. – С. 77- 83.
20. Сагдуллаев А. Антик ва илк ўрта асрлар даврида ўрта осийда толерантликнинг хусусиятлари. //Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида раҳбар кадрлар олдида турган вазифалар: мавжуд ҳолат, муаммолар ва ечимлар Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т., 2019. 12-13-б.
21. Секст Эмпирик. Сочинения в двух томах. Т. 1. / Вступит, статья и пер. с древнегреч. А. Ф. Лосева. – М.: Мысль, 1975. с. 247.
22. Философский энциклопедический словарь. / Под ред. А. Б. Васильева. 2-е изд. – М.: Инфра 2011. – 576 с
23. Швейцер А. Благоговение перед жизнью: пер с нем. – М.: Прогресс, 1992. –576 с.

УДК: 1(091) (55)

**ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ ВА АҲМАД ҒАЗЗОЛИЙ МЕРОСИДА ТАСАВВУФИЙ
ТАЖРИБАНИНГ АҲАМИЯТИ**

**ЗНАЧЕНИЕ СУФИЙСКОГО ОПЫТА В НАСЛЕДИИ ИМАМА
ГАЗАЛИ И АХМАДА ГАЗАЛИ**

**SIGNIFICANCE OF THE TASAWWUF EXPERIENCE IN THE HERITAGE
OF IMAM GHAZALI AND AKHMAD GHAZALI**

Музаффаров Фируз Давронович

*БухДУ миллий гоёя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими каф. мудири (PhD)*

Аннотация. Мақола тасаввуф тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган Имом Ғаззолий ва укаси Аҳмад Ғаззолийнинг маънавий меросида тасаввуфий тажрибанинг ўрни ҳамда унинг умумтасаввуфий моҳияти таҳлиliga қаратилган.

Таянч сўзлар: Имом Ғаззолий, Аҳмад Ғаззолий, Савониҳ ул-ушишқ, қалб, тана, руҳ, сир, шиқ, ошиқ, машуқ.

Аннотация. Статья посвящена сущности роли суфийского опыта в духовном наследии Имама Газали и его брата Ахмада Газали, которые имели специфическую значимость в истории общесуфийского наследия.

Ключевые слова: Имам Газали, Ахмад Газали, Саваних ул-ушак, душа, тело, сердце, секрет, влюбленный, возлюбленный.

Annotation. This article is dedicated to the analysis of the significance of tasawwuf experience in the spiritual legacy of Imam Ghazali and his brother Akhmad Ghazali who had special importance in the history of tasawwuf legacy and its general tasawwuf essence.

Key words: Imam Ghazali, Akhmad Ghazali, Sawaneh ul-ushak, soul, body, heart, secret love, enamored, beloved.

Мустақиллик ўтмиш маънавий ҳаётининг ўрганилмай келинаётган саҳифаларини очиш имкониятини берди. Ўтган йиллар давомида қатор алломаларимизнинг номлари билан бирга, серқирра илмий-маънавий мерослари ҳам юзага чиқарилди. Қисқа давр ичида мамлакатимизда ўзига хос тасаввуфшунослик мактаби шаклланди. Бу мактабнинг йирик вакиллари Н.Комилов, И.Ҳаққулов, О.Усмон, Г.Наврўзова, С.Олим, А.Ш.Жузжоний, С.Рафиддинов, Р.Носиров, И.Остонакулов ва бошқа олимлар томонидан тасаввуф тариқати ва адабиётига доир жиддий тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Ислом оламининг даҳо мутафаккирларидан бири, Шарқда Ҳужжат ул-Ҳаққ номи билан машхур бўлган Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий ўз илмий мероси билан